



Дунёга қизиқма, шунда Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлардаги нарсаларга қизиқма, шунда одамлар ҳам сени яхши кўришади

Абул Аббос Саҳл ибн Саъд Соидий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, деди: «Ё Расулуллоҳ! Менга шундай бир амални кўрсатингки, агар уни қилсам, Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам мени яхши кўрсин». Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Дунёга қизиқма, шунда Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлардаги нарсаларга қизиқма, шунда одамлар ҳам сени яхши кўришади».

[Имом Нававий: «Ҳасан ҳадис», деган] [Ибн Можа ва бошқалар ҳасан санадлар билан ривоят қилганлар]

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Аллоҳ таоло ҳам, одамлар ҳам яхши кўрадиган амалга йўллаб қўйишларини сўради. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар ошиқча дунё матоларини, охиратда фойда бермайдиган нарсаларни ва динингга зарар олиб келиши мумкин бўлган нарсаларни тарк қилсанг Аллоҳ сени яхши кўради. Агар одамларнинг қўлидаги дунё матоларини тарк қилсанг одамлар сени яхши кўради. Чунки одамлар табиатан қўлларидаги нарсага эга бўлмоқчи бўлган одамни ёмон кўрадилар ва ким у нарсаларни тарк қилса яхши кўрадилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4307>

